




E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**  
**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY**  
**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**Ilmiy-nazariy jurnal**  
**2023, № 1**

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.  
Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvoohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.  
Elektron manzil: nashriyot\_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinbosari:** Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), dotsent

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M. Filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti SE. Iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V. Kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A. Texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E. Fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, Psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva M.K., filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev D.R., fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov B.B., kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor (Andijon davlat Pedagogika instituti rektori)

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori (O'ZR FA tarix instituti yetakchi ilmiy xodimi)

Jo'rayev N.K., siyosiy fanlar doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA \*\*\* СОДЕРЖАНИЕ \*\*\* CONTENTS

ANIQ VA TABIIY FANLAR \*\*\* EXACT AND NATURAL SCIENCES \*\*\* ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

<b>Rasulov T.H., Dilmurodov E.B.,</b>	Kompakt qo'zg'alishli umumlashgan Fridrixs modelining ba'zi spektral xossalari	4
<b>Ismoilova D.E.</b>	Fermionli fok fazodagi uchinchi tartibli operatorli matritsaga mos kanal operator va uning spektri	9
<b>Jumaev J.J., Tursunova S.F., Ibragimova Sh.E.,</b>	Inverse coefficient problem for heat equation in the bounded domain	15
<b>Djurayev D.R., Turayev A.A., To'rayev O.G'.</b>	$Bi_{1.7}Pb_{0.3}Sr_2Ca_nCu_{n-1}O_y$ vismut asosli kupratlarning olinish texnologiyasi	21
<b>Umarov Sh.A.</b>	Shifrlash algoritmlarida kriptobardoshli mantiqiy amallardan foydalanish usullari	25
<b>Ахмедов О.С.</b>	Свободные и вынужденные осесимметричные колебания систем вязкоупругих цилиндрических оболочек	30
<b>Исломов Б.И., Жураев Ф.М.</b>	Локальные краевые задачи для нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа, вырождающегося внутри области	34
<b>Амиров С.Ф, Шаропов Ш.А, Сатторов Т.А.</b>	Дифференциал трансформатор датчиклар оддий ва махсус структурали ночизиқ магнит занжирларининг математик моделлари	43
<b>Турдиев Х.Х., Суяров Т.Р., Наврүзова М.Н.</b>	Начально-краевая задача для системы интегро-дифференциальных гиперболических уравнений	50
<b>Tosheva N.A.</b>	Lower bound of the essential spectrum of a family of $3 \times 3$ operator matrices	57
<b>Akramova D.I.</b>	Estimates for convolution operators related to $A_\infty$ type singularities	63
<b>Jo'raqulova F.M.</b>	Bozonli fok fazodagi operatorli matritsaga mos Faddeyev tenglamasi	72
<b>Rasulov T.H., Ne'matova Sh.B.</b>	Umumlashgan Fridrixs modeli kvadratik sonli tasvirining komponentlari	77
<b>Seytov Sh.J., Ochilova G.B.</b>	Баъзи даврий реакцияларнинг математик моделлари	82
<b>Sirliyeva F.A., Khudaybergenov K.K., Muminov Z.E.</b>	Fuzzy neural network and agent technologies in the structural-parametric modeling of technological systems	87
<b>Tosheva N. A., Qodirov S. O.</b>	Python dasturlash tili yordamida matritsa sonli tasvirini kompleks tekislikda tasvirlash algoritmi	93
<b>Хасанов И.И., Хасанов К.Х.</b>	Начально-краевая задача для адвекции - дисперсионного уравнения дробного порядка	100
<b>Husenov B. E.</b>	Poisson representation for $A(z)$ -harmonic functions belonging to some class	107
<b>TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ</b>		
<b>Nigmatova L. X.</b>	Lisoniy sistemaning pog'onaviyligi va unda gipo-giperonimik munosabatlar	116
<b>Sadigova S.I.</b>	Phraseological combinations with ordinal numbers in English	123
<b>Abdulxayrov D.P.</b>	-Gan ekan shaklining mazmuniy ko'rinishlari	127
<b>Xodjayeva D.I., Hoshimova G.M.</b>	Erkin Vohidov she'rlarida ritorik so'roq gaplarning o'ziga xos xususiyatlari	131

<b>Ismatullayeva I.I.</b>	Hozirgi zamon tilshunosligida konseptni o'rganish metodlari, usullari va klassifikatsiyasi	135
<b>Mehmonova Y. Ch.</b>	Typology of collocations in combinatorial linguistics	139
<b>Nuniyazova Sh. U., Djumabaeva J.Sh.</b>	Comparative analysis in translation of English idioms and set expressions into Uzbek and Russian	144
<b>Rajabov E.E.</b>	O'zbek va ingliz tillaridagi "oila" tushunchasi konseptual maydonining lingvokognitiv tahlili	148
<b>Ruziyeva N. X.</b>	Zamonaviy tilshunoslikda matn va diskurs talqini	153
<b>Xodjayeva D.I., Safarova M.H.</b>	Ingliz tilini o'qitishda fonetik interferensiyaning o'rni	157
<b>Samandarova G.Y.</b>	Sodda gap ko'rinishidagi "hasharot" lug'aviy ma'no guruhlari asosida shakllangan paremalarning o'ziga xos xususiyatlari	161
<b>Sayfullayev B.N.</b>	Noqardosh tillarda o'zlashtirmalik (o'zbek va fransuz tillari misolida)	165
<b>To'yboeva Sh.R.</b>	Fransuz tilida sodda gap tarkibiy qismlarini tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimi	170
<b>Абдурахманова М.У.</b>	"Кўрлик" касаллигининг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги лингвистик-семантик тадқиқи	174
<b>Ахмедова М.Х.</b>	Ўқув жараёнига тааллуқли ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари	180
<b>Вахидова Ф.С.</b>	Дискурса диний туризм ва зиёрат туризми терминларининг воқеланиши	183
<b>Avezov S.S.</b>	A Corpus-based approach to phraseology research	189
<b>Kobilova A.B.</b>	Ingliz va o'zbek tibbiy perifrazarining semantik mikromaydonidagi lingvokulturologik xosliklari	194
<b>Bobokalonov R.R., Narzulaeva D.B.</b>	Vocabulary of the Qur'an in the object of theolinguistics	203
<b>Nazarova G.P.</b>	Muloqotda gender farq muammolari xususida	210
<b>Raxmatov A.P.</b>	Plusquamperfekt zamon shaklining grammatik ma'nolari va uning kontekstual tahlili (nemis tili misolida)	215
<b>Sayidova G.Y.</b>	Alisher Navoiy nazmiy asarlaridagi o'xshatishlarning leksik-grammatik tabiati	221
<b>Rasulov Z.I., Yuldasheva F.E.</b>	Xushmuomalalikning nutq odobida ifodalanishi	232
<b>Бозоров З.А.</b>	Речевая культура в качестве неотъемлемой части языковой культуры личности	240
<b>Мавлонова М.Д.</b>	Инглизча ахборот технологиялари терминларининг ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида маъно торайиши ва кенгайиши ходисалари	245
<b>Шарипова А.А.</b>	Луғат корпусини яратиш технологияси	251
<b>Hayotova D.Z.</b>	Tushuncha va so'z munosabati	255
<b>Mamatova D.M.</b>	Xitoy tilida ta'm bildiruvchi sifatlar tahlili	259
<b>Сафаров Ф.С.</b>	Маънодошлик каторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат ҳақида	266
<b>Akhmedova D.B.</b>	Semantic comments in an explanatory dictionary and their processing as a semantic extension	272
<b>ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ</b>		
<b>Темирова Дж. Х.</b>	Отражение национальной картины мира в русском и узбекском детском фольклоре	277
<b>Насруллаев Э.Ж.</b>	Алишер Навоий "Ҳикмат ва ибрат достони"нинг ғоявий таҳлили	284
<b>Шарипова Л.Ф.</b>	Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида бадий тасвир	288

<b>Қаюмова Н.М.</b>	воситаларининг қўлланиши	
<b>Fayziyeva M.Ch.</b>	Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini	292
<b>Juraqulova G.M.</b>	Biographic elements in "Jane Eyre" by Charlotte Brontë	296
<b>Kadirova N.A.</b>	Complex nature of the term "motif" in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale "Mokhistara"	300
<b>Rakhmatova M.M., Fayziyeva Sh.R.</b>	Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries	304
<b>Pulatova S.Sh.</b>	Factors leading to family happiness in the short story "A marriage of convenience" by William Somerset Maugham	310
<b>Xudoyev S.S.</b>	Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi	314
<b>Zokirova N.S.</b>	Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o'zaro munosabatlari	319
<b>Каримова Д.Х.</b>	Таржимада вариантлик ва инвариантлик тушунчаларининг специфик хусусиятлари	324
<b>Мамадиярова Ю.А.</b>	Бадий таржимада меъморий экфрасис матнлар таҳлили	331
<b>Содиқова Д.Т.</b>	Муслихабегим Мискин шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси	337
<b>Rakhmatova Sh.B.</b>	Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing's work "The cleft"	345
<b>Азимова М.С.</b>	Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри	349
<b>Бабаев О.А.</b>	Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг жаҳон адабиётида ўрганилиши	352
<b>Тўраева Л.О.</b>	Ўрим қўшиқларининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари	357
<b>Хамдамова С.Б.</b>	Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеъринг техникаларининг қўлланилиши	362
<b>Bahronova B.B.</b>	Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini	368
<b>Qodirova S.A.</b>	"Devonu lug'otit turk" va "Zarbulmasal" asarlarida qo'llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili	372
<b>Ражабов Т.А.</b>	Замонавий ўзбек шеърятда бадий кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили	376
<b>Норова Н.Б.</b>	Усмон Кўчқор лирикасида тош ва тупроқ образларининг қўлланилиши	380
<b>Qurbonova N.R., Mustafoyeva M.A.</b>	Jahon adabiyotida sonet janri tadriji	384
<b>Sayliyeva Z.R.</b>	Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat	389
<b>MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK *** TEXTOTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ</b>		
<b>Olimova M.S.</b>	Huvaydo she'riyatida tasavvuf ohanglari	395
<b>Baxtiyorova G.M.</b>	Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur'on oyatlari talqini	400
<b>"NAVOIY GULSHANI"</b>		
<b>Sayliyeva M.R.</b>	About the artistic world of the great artist	405
<b>HISTORY</b>		
<b>Safarli N.T.</b>	Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era	408
<b>Xaitov Sh. A., Ahmadov A.A.</b>	XX asr boshlarida Rossiya-Afg'oniston savdo-sotiq aloqalari va Afg'oniston armiyasi D.N. Logofet talqinida	415

УЎК: 821.512.133-1.09'06

### ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ КЎЧИМЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

*Ражабов Тўхтамурод Абдуллаевич,*

*Бухоро давлат университети*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мустақил изланувчиси*

*[t.a.rajabov@bukdu.uz](mailto:t.a.rajabov@bukdu.uz)*

**Аннотация:** Кўчимларнинг тўлиқ моҳиятини очиб бериш учун методик ва методологик, мантиқий-психологик ва амалий тайёргарлик доирасида фалсафа, психология, семиотика соҳаларига ҳам таяниш мақсадга мувофиқ. Замонавий шеърятда кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили ҳақида фикр юритилган шеърят жанрининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Кўчимларни юзага келтиришда тимсоллар алоҳида муҳим вазифани бажаради. Тимсоллар кўчимнинг нимага хизмат қилишини, қандай вазифа бажариши назариясидан келиб чиқиб фикрни аниқлаштириш, таъкидлаш ва кучайтириш каби юкни ўзига олади. Кўчимни биз энг аввало поэтик образни қайси усул билан ўрганаётганига, бу жараёнда қайси лисоний бирликлардан фойдаланаётганига эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

**Калит сўзлар:** лингвофольклористика, лингвопоэтика, бадий матннинг лисоний таҳлили, лексикология, семасиология, грамматика, стилистика, тимсол, тасвир, рамз, образ.

**Аннотация:** В рамках методического, методологического, логико-психологического и практического тренинга для раскрытия полной сущности тропа также целесообразно можно опираться на области философии, психологии, семиотики. В современной поэзии лингвохудожественный анализ троп проводится на основе особенностей жанра поэзии, привлекаемой к анализу.

Образы выполняют особую важную функцию при создании тропа. Образы берут на себя такую нагрузку, как прояснение, выделение и усиление мысли, основанной на теории того, чему служит троп, какую задачу он выполняет. Нам сначала придётся обратить внимание на то, каким методом троп изучает поэтический образ, какие языковые единицы он использует в процессе.

**Ключевые слова:** лингвофольклористика, лингвопоэтика, лингвистический анализ художественного текста, лексикология, семасиология, грамматика, стилистика, символ, изображение, образ, условное обозначение.

**Abstract.** Within the framework of methodological, logical, psychological and practical training, it is also advisable to rely on the fields of philosophy, psychology, semiotics to reveal the full essence of migrations. In modern poetry, the linguistic and artistic analysis of migrations is carried out on the basis of the features of the genre of poetry that is involved in the analysis.

When creating plantings, emblems perform a special important task. Emblems take on such a burden as clarifying, highlighting and strengthening the thought based on the theory of what the street serves, what task it performs. But first we will need to focus on the method by which we study the poetic image, which language units we use in the process.

**Key words:** linguofolkloristics, linguopoetics, linguistic analysis of a literary text, lexicology, semasiology, grammar, stylistics, emblem, image, symbol, image.

**Кириш.** Мамлакатимизда барча соҳаларга берилаётган кенг имкониятлар замонавий ўзбек адабиётида, хусусан, замонавий шеърятда адабий-эстетик анъаналарнинг асосларини янада чуқурроқ тадқиқ қилишга қулай шароит яратди. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюқ тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор»[1]. Шу нуқтаи назардан замонавий ўзбек шеърятда ҳам юз бераётган жараёнлар ва унда юзага келган воқеалар оқими давр шеърятига янги бир мазмун бермоқда ва шу ҳолга мос равишда янги услубий, шаклий топилмаларни зарур ҳолга айлантормоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги вақтдаги шеърятнинг бадий-эстетик изланишларисиз XX асрнинг охири ҳамда XXI асрнинг дастлабки қисми бадий маданиятимизни тасаввур қилиш қийин.

Замонавий шеърятдаги кўчимларни аниқлаш ва улардан тўғри фойдаланиш учун тадқиқотчи мумтоз адабиёт ва фольклор намуналари билан таниш бўлиши шарт. Кўчимни ўрганиш уни қамраб олишга хизмат қиладиган лингвофольклористика, лингвопоэтика, бадий матннинг лисоний таҳлили, лексикология, семасиология, грамматика, стилистика фанлари билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш талаб қилинади. Юқоридаги фанлардан ташқари, кўчимларнинг тўлиқ моҳиятини очиб бериш учун методик ва методологик, мантикий-психологик ва амалий тайёргарлик доирасида фалсафа, психология, семиотика соҳаларига ҳам таяниш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги назарияларга таяниб, ўрганилсагина кўчимларнинг дастлабки лингвопоэтик таҳлили тамойилларини ишлаб чиқиш учун имкон беради. Кўчимларнинг ривожланиш жараёни, унинг қадим тарихдан бери англатадиган маънолари, бугунги кунда янгиланган белгиси, замонавий шеърятда пайдо бўлган кўчимлар ушбу фанлар ва шеършуносликни муштарак ўрганиш натижасида юзага келади. Кўчимларнинг бир маъно ва кўп маъно ифодаланиши аниқлашда ҳам маълум бир ютуқларга олиб келувчи унсур сифатида қараш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Кўчим шеърда ифодаланаётган фикрда назарда тутилган ва қоғозга тушурилган икки нарсанинг бир-бирига боғлиқ хусусиятлари натижасида юзага келади. Шоир, аввало, фикрлайди ва фикрларини қиёслайди, икки тушунчаларни ўзаро солиштиради ва илҳом самараси ўлароқ ҳар икки фикрни умумлаштириб яхлит хулоса келтиради. Буларнинг барчаси оний лаҳзада илҳом самараси ўлароқ юзага чиқади. Шоир шеърни ёзиш жараёнида ўша икки нарсани таққослаб муносибани байтга киритади. Бу ҳақида Е.Н.Панов “ҳамма нарсани қиёслаш орқали билиш мумкин” [6] деб таъкидлайди. Ўхшатиш ижодкорнинг янгилик қидириш, янгича унсурларни, образларни шеърятга олиб киришга хизмат қилувчи восита саналади. Мана шу ўхшатишлар кўчимларни юзага келтирувчи восита саналади. Шу билан бир қаторда ўхшатишлар ўртага ташланаётган масалани қисқа жумлалар билан ифодалашга хизмат қиладди.

Ғузурнинг даштида оламдек,  
Армоннинг сочида оқ толамдек,  
Беғубор эдинг бир боламдек,  
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин... [5]

Шоир шогирдининг ўлимидан қаттиқ таъсирланади ва шогирдининг ўзига яқин хусусиятларини шеърга солади. Шогирдига нисбатан оламдек, оқ толамдек, боламдек каби ўхшатишларни қўллайди. Ушбу ўхшатишларни юзага келтирувчи унсурлар эса, ўз навбатида, кўчим бўлиб шеър таркибига сингиб кетади. Шеър атрофида ифодаланаётган ғузурнинг дашти, армоннинг сочи бирикмалари кўчим ҳосил қиладди. Натижада, кўчим + ўхшатиш кўринишида фикрларнинг кетма-кетлиги юзага чиқади.

Кўчимни биз, энг аввало, поэтик образни қайси усул билан ўрганаётганига, бу жараёнда қайси лисоний бирликлардан фойдаланаётганига эътибор қаратишимиз лозим. Кўчимлар ҳам шеърятнинг бошқа ўлчов турларига монанд ҳар бир детални ички ва ташқи қиёфасига қараб ўрганади. Ташқи томондан шеърдаги образни кўчим, уни ўраб турган олам, у билан конфликтга борган шахслар, атрофни ўраб турган жонли муҳит билан бирга юзага чиқиши учун хизмат қиладди. Бу орқали шоир ифодани ёрқинроқ ва таъсирчанроқ бериш имкониятига эга. Албатта, бу жараёнда лисоний бирликларни танлай олиш ҳам шоир маҳоратини кўрсатувчи унсурдир.

Осмонда бир ўзбек учиб юрибди,  
Фазогир Солижон, гапнинг сираси.  
Юлдузлар васлига боқиб турибди  
Мирзо Улуғбекнинг чин набираси. [5]

Осмонда ўзбекнинг учиб юриши бирикмасида фикрни юзага чиқарган асос олиб қўйилади ва унинг вазифаси бошқа сўзлар орқали таъминланади. Мирзо Улуғбек набираси бирикмасида оний боғланишни кўришимиз мумкин. Рамзий маънода олинган ушбу бирикма, ўз ўрнида, кўчимнинг юзага чиқишига хизмат қиладди. Шоир атрофдаги воқеаларга реал қарайди ва мисра таркибига сингириб юборади. Ифодани бераётганда мавжуд олам, ундаги хусусиятлар тасвирланади. Кўчимнинг бу турида кўтаринкилик, интим лирикадан кўра шоир мени биринчи ўринга чиқиши билан аҳамият касб этади ва оддийлиги, тезда кўзга ташланиши, тил хусусиятларининг содда ва раволиги билан ажралиб туради. Ташқи ўхшатишда эшитиш, кўриш, хид хусусиятлари таассуротлари ва уларнинг натижаларини мушоҳада этиш назарда тутилади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Замонавий шеърятда кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили таҳлилга тортилган шеърят жанрининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. “Таҳлил тамойиллари таҳлил матнига муносабатда, таҳлил жараёнини

амалга оширишда, таҳлил хусусиятини белгилашда амал қилади”. [9] Ушбу жараёнда шеърни таҳлилга тортишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериледи:

-шеърдаги кўчимларни таҳлил қилишда, асосан, тўрт мисрадан ташкил топган (вазиятга қараб 6 – 8 мисрали) бадиий нутқ бутунлиги сифатида қараладиган бандлар олинади;

-ушбу матннинг таҳлил жараёнида шеърнинг тарихий генезиси, ижтимоий мансублиги иккинчи даражага туширилиб, асосий эътибор, матннинг асосий лисоний бириклари, мантикий ва бадиий меъзонларидан келиб чиқиб таҳлил қилинади;

-матн шеърятнинг ажралиб турадиган бир қисми, яхлит бадиий қисм сифатида қаралади;

-матндаги кўчим, сўз, тимсол, тасвир, рамз ва бошқа лисоний бирикларнинг қўлланилишидан мақсад матн мазмунини етказиб беришга хизмат қилиши лозим;

-ушбу матн, ўз навбатида, шеърини нутққа солинган ва тугалланган, бадиий нутқ орқали берилишини инобатга олиш керак.

Агарда кўчимларни юқорида санаб ўтилган тамойиллар асосида таҳлил қилинса, шеър таркибида қандай лисоний бириклар иштирок этганига қараб таҳлилни турли нуқталардан амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Тил хусусиятларини ифодаловчи лексик бирлик ва бадиий кўчим умумий яхлитликда янги бир маъно, янги бир ифодани бериш учун маълум бир меъёр талаб қилинади. Сўз ўзининг бажариш функциясидан ташқари яна бир ёндош маънони ифодалай олса, шоир шу ифодани бадиий матнда қўлласа, жараён бошланади. Бу, албатта, лисоний таҳлилнинг талаб даражасини оширади, сабаби, матннинг юзага келишида кўчим ва қоида бир-бирига поғона вазифасини бажаради. Бугун лексемалардан унумли фойдаланиш шеърини матнни турли шаклга солиш имкониятини беради. Шаклдаги янгилик эса, маънога ҳам таъсир қўламини ўтказди. Бу ҳақда адабиётшунос С.Мамажонов қуйидагича мулоҳаза қилади: “Лирик қахрамоннинг қалбида драматик изтироблар, замон ташвишлари, дардларининг ифодасига айланмоқда. Бир қарасангиз шеърятга насрий нутқ, бир қарасангиз ҳужжатлар, публицистика, бир қарасангиз драмага хос белгилар монологик, ёки диологик нутқ кириб бормоқда” [4].

“Ижодий ҳаёлнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўхшатишларнинг одатдаги йўлини инкор этиб, уларни айна чоғда санъаткор психикасида ҳукмрон бўлган ҳис-туйғулар, фикрлар, интилишларга бўйсундиради”. [7] Дарҳақиқат, ҳар қандай кўчим ва ўхшатишлар ҳаёлда юзага келади ва қофиялашаётган бир пайтда ижодий эмоция билан реал шеър таъсирига тушади ва ёзувчи томонидан ўйланмаган ва ўйланган ғояни ифода қилишга хизмат қилади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Кўчимларни юзага келтиришда тимсоллар алоҳида муҳим вазифани бажаради. Тимсоллар кўчимнинг нимага хизмат қилишини, қандай вазифа бажариши назариясидан келиб чиқиб фикрни аниқлаштириш, таъкидлаш ва кучайтириш каби юкни ўзига олади. Тимсоллар шеърятда жуда кўп тармоқли ҳолда учрайди. Ҳар бир тармоқда учраган тимсолга мос равишда шу тимсол таъсирида кўчим ҳам юзага келади. Тадқиқот вазифасидан келиб чиқиб ушбу кўчимларни гуруҳлашни маъқул топдик:

-шахсга нисбатан ишлатиладиган кўчимлар – Фарҳод, Ширин, пайғамбарнинг қизи, падар;

-ўсимликка нисбатан – гул, лола, тол, майса;

-мевага нисбатан – олма, анор, шафтоли, узум;

-осмон жисмларига нисбатан – юлдуз, камалак, қуёш, сайёралар;

-экинга нисбатан – буғдой, тарик, помидор, мош;

-жониворларга нисбатан – от, туя, эшак, тулки, айқ;

-кимматбаҳо буюмларга нисбатан – тилла, кумуш, олтин, ёқут, олмос;

-нарса ва қуролларга нисбатан – нарвон, игна, эгар, қозон, шам;

-табиат унсурлари нисбатан – ёмғир, тўзон, чанг, қор.

Юқоридаги лексемалар шеър таркибида тимсол сифатида келганда ўзининг англатадиган маъносига нисбатан кўп қирраликни эътироф этади. Шу нуқтаи назардан, ушбу сўзлар янги маъно ифодалайди ва луғат бойлигининг бойишига ҳам хизмат қилади. Албатта, ҳар бир сўзга ҳам кўчим сифатида қараб, кўчим вазифасида ифодалаш мумкин. Бу хусусида рус тадқиқотчиси Г.О.Винокур ҳолатни қуйидагича таъкидлайди: “бадиий тилда ғовак, жонсиз моҳият эътибори билан мотивлаштирилмаган сўз бўлмайди”. [2]

Кўчимларни ички томондан ўрганганда эса, бирмунча мураккабликлар кўзга ташланади. Бунда қахрамоннинг руҳияти, ҳис-туйғулари, дунёқарашини ақс эттириш учун бадиий нутқ услуби восита бўлади. Бундай кўчимлар сезгилардан кўра тасаввурга ва шартли тушунчаларга боғлиқ бўлади.

Эй, кўнглимга кўрк бўлмайин кетган ғунча,

Жон узулса бўлмасмиди сен кетгунча.

Қиз боланинг вадалари бўй етгунча –  
Бўй етгач бари қиз сўздан тонар. [10]

Шоир юқоридаги мисолдан фарқли ўлароқ, фикрини билдиришда ички туйғуларга ошно бўлади. Ўзи етишолмаган қизга оддий эмас, балки услубий бўёқдорликка ўраган ҳолда кўнглимга кўрк бўлмайн кетган ғунча деб мурожаат қилади. Бундай ифода турида сезги эмас, ҳиссиёт биринчи ўринга чиқиши билан ички кўчим юзага келади. Қаҳрамоннинг сиймосини ўхшатовчи тушунчалар ботиний ҳолатда берилади. Шеър қаҳрамонини маънан ва мантиқан мос келувчи нарса ва ҳолатлар билан бирга қиёслаб кўрсатади. Ички кўчимлар орқали ифодаланган ўхшатишлар хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин тингловчига малол келмайди, тингловчини ўйлашга, мушоҳада қилишга даъват қилади.

Ўхшатишлар икки тушунчани бир-бирига ўхшатиш жараёнида лексик, семантик ва граматик мушоҳадаларга киришади. Масалан, от сўз туркуми билан ифодаланган кўчимда унинг белгисини ўхшатиш заруратга айланади. Бунинг сабаби шундаки, от сўз туркуми билан ифодаланган тасвирлар кўпинча ўзларига эгаллик қўшимчаларини олиб келади. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, аниқланмишга эҳтиёж борлигига зарурат сезади. Мисол учун сочинг, кўзинг, бўйинг, юзинг лексемалари қўлланган бир пайтда бунинг таърифини берувчи сўзга иш топилади. Бу ҳолат эса, бизга кўчимларнинг граматик боғланишини ўрганишимизга зарурат туғдиради. “Ўхшатишлар таркибидаги асос, от сўз туркумидаги сўз билан ифодаланган. От сўз туркумидаги сўз, асосан, бош келишик шаклида бўлиб, аксарият ҳолларда, эгаллик келишиги қўшимчасини олиб келади”. [9]

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Бадиий ижод тили ўта мураккаб ва ўзига хос ҳодиса ҳисобланади. Адабиётшунослик ва тилшунослик назарияларида уни ўрганишга турлича ёндашилган. Бу жараёнда соф кўчимларнинг ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик жиҳатлари орқали ўрганилиши эса, алоҳида, бир ҳодиса саналади. Тилшунос Маъруфжон Йўлдошев қуйидагича хулосалар беради –“Маълумки, ҳар қандай бадиий асар тили муайян умумхалқ тилини ўзида акс эттиради. Тилдаги ўзгаришлар, эврилишлар, ривожланишларнинг энг холис кўзгуси чинакам санъат даражасидаги бадиий адабиётдир. Ҳаттоки, давр адабий тилининг меъёрларини белгилашда ҳам ҳақиқий сўз генераллари бўлмиш маҳоратли ёзувчилар асарларининг тил ўлчовларининг асосийларидан ҳисобланади”. [3]

### АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси . Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).*
2. *Винокур Г.О. Понятие поэтического языка . Избранные работы по рускому языку. Москва: Просвещение, 1959. 390 бет*
3. *Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси – Т.: Фан, 2008 –Б. 8.*
4. *Мамажонов С. Давр оҳанглари, асримиз образи, замондошимиз портрети. ЎТА 1982 й №2, -Б 9*
5. *Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: Ғофур Ғулом, 2001 – Б. 227*
6. *Панов Е.Н. Знаки. Символы. Языки. М.: Знание, 1980*
7. *Умумий психология. Т.: ўқитувчи., 1992, -Б 338*
8. *Умумий психология. Т.: ўқитувчи., 1992, -Б 338*
9. *Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш. – Т.: Фан, 2003 – Б.*
10. *Юсуф М. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2007. –Б. 58.*